

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АСБОБСОЗЛИК”
КАФЕДРАСИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШНИНГ ҲИСОБЛАШ
ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ**

ФАРҒОНА - 2013 ЙИЛ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛТЕТИ
“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АСБОБСОЗЛИК” КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА
ХИСОБЛАШ-ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Битирув малакавий ишининг мавзуси: PIC16F873A контроллерида 6 позицияли
динамик индикаторли электрон соатни лоиҳалаш

Битирув-малакавий иши таркиби :

Ҳисоблаш тушунтириш хати 64 бет
График қисми 13 та вароқдан иборат
тақдимот материали СД дискда илова қилинади

Битирувчи 40-09 ЭМЭ гуруҳи талабаси Ахунов Хуршид Исмоилжонович

Кафедра мудири Ғ.А.Набиев _____

Битирув малакавий иш раҳбари: Н.Умаралиев _____

Маслаҳатчилар:

Меҳнат атроф-муҳит муҳофазаси
Қисми бўйича _____ И.Домуладжонов

Бошқа бўлимлар бўйича _____

ФАРҒОНА 2013

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ЭНЕРГЕТИКА ФАКУЛТЕТИ
“ЭЛЕКТРОНИКА ВА АСБОБСОЗЛИК” КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ
БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Ахунов Хуршид Исмоилжонович

1. Битирув малакавий иш мавзуси: PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соатни лоиҳалаш.
2. Институт бўйича 23.02.2013 йилдан СТ/Э №25 буйруқ билан тасдиқланган.
3. Ишни бажариш учун бошланғич асослар. Битирув малакавий ишида бажарилиши лозим бўлган қурилмани лоиҳалаш ишларида автоматлаштирилган Лоиҳалаш тизимларидан фойдаланилиши шарт. Лоиҳа ишларида албатта замонавий электрон элементлар ва микропроцессор техникаси ютуқларидан, ҳамда дастурлаш ва симуляцион моделлаш тизимларидан фойдаланиши талаб этилади.
4. Тушунтириш қисми тартиби.
 - a. Кириш. Лоиҳаланаётган харорат ўлчовчи қурилманинг актуаллиги
 - b. Масаланинг моҳияти
 - c. Адабиёт таҳлили
 - d. қурилманинг блок схемасини лоиҳалаш
 - e. қурилманинг принципаль схемасини лоиҳалаш
 - f. қурилмани дастурий таминотини лоиҳалаш
 - g. Қурилмадан фойдаланиш учун кўрсатма
 - h. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хорижий инвестиция бўлимилари ҳамда хулоса ва адабиётлар рўйхати ёзилиши керак.
5. Керакли чизмалар рўйхати.
 - a. Адабиёт таҳлили натижасида аниқланган қурилмалар чизмалари ва расмилари;
 - b. Лоиҳаланган қурилманинг блок схемаси
 - c. Лоиҳаланган қурилманинг принципал схемаси
 - d. Лоиҳаланган қурилма алгоритмининг блок схемаси
 - e. Лоиҳаланган қурилманинг конструктив чизмаси ва ҳажмий тасвири

6. Битирув малакавий ишнинг қисимлари бўйича маслаҳатчилар.

№	Қисмлар номи	сана		Маслаҳатчилар.Ф.И.Ш. имзо
		Топшириқ берилган	Топшириқ берилган	
	Масаланинг моҳияти	14.01.13	20.05.13	
	Қурилманинг блок схемаси	14.01.13	01.06.13	
	Қурилманинг принципиал схемаси	14.01.13	10.06.13	
	Қурилмадан фойдаланиш учун кўрсатма	14.01.13	17.06.13	
	Меҳнатни муҳофазалаш бўлими	14.01.13	17.06.13	
	Соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиниши бўйича маълумот	14.01.13	17.06.13	

Топшириқ берилган сана: **14.01.13**

Тугалланган битирув малакавий ишни топшириш санаси **20.06.13**

Битирув малакавий иш раҳбари _____ Н.Умаралиев

Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишида олти позицияли етти сегментли динамик индикаторли соат лоихаланган. Бу қурилма учун дастурий таминот ва иккиламчи энергия таъминот қурилмалари тайёрланган. Барча лоихалаш ишлари “VSM Proteus” русумли автоматлаштирилган лоихалаш тизимида бажарилган.

Аннотация

В данной выпускное квалификационное работе проектирован часы с шести позиционным семи сегментным динамическим индикатором. Для этой часы разработаны программное обеспечение и вторичный источник питания. Все работы по проектированию устройство выполнены на автоматизированное системе “VSM Proteus”.

The summary

In given final qualifying to work it is projected hours with six item seven segment dynamic indicator. Hours are developed for this the software and the secondary power supply. All works on designing the device are executed on automated to system “VSM Proteus”.

Мавзу: PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соатнинг лоиҳалаш	
Мундарижа	6
Кириш: Лоиҳаланаётган PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасининг актуаллиги.	8
I-боб. Масаланинг моҳияти.	9
1.1. Лоиҳаланаётган PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соатнинг функционал имкониятлари.	9
1.2 Лоиҳаланаётган соат қурилмасининг ишлаш шароитининг техник шартлари	9
II- боб. Адабиёт таҳлили.	10
2.1. Лоиҳалашни бажариш учун мавжуд техник воситалар таҳлили.	10
2.2. Микропроцессорлар таҳлили	10
2.3. Қўйилган масаланинг ечими учун зарур бўлган дастурий воситалар таҳлили.	16
III-боб. Қурилманинг блок схемасини лоиҳалаш.	21
3.1. PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасини блок схемасини лоиҳалаш.	21
IV-боб. PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасини принципааль схемасини лоиҳалаш	24
4.1.Бошқариш блогининг принципааль схемаси.	24
4.2. Микроконтроллер блогининг принципааль схемаси.	26
4.3. Индикатор блогининг принципааль схемаси.	28
4.4. Таъминот манбайи блогининг приципиаль схемаси.	37
4.5. Тўғрилаш (зарядлаш) блогининг приципиаль схемаси.	38
V-боб. Қурилмани конструктив лоиҳалаш.	41
5.1. Қурилманинг монтаж платасини лоиҳалаш	41
5.2. Қурилма дастурий таъминотини лоиҳалаш.	45

5.3. Қурилма дастурий таъминотини МК хотирасига ёзиш	47
VI-боб. Қурилмадан фойдаланиш учун кўрсатма.	48
VII-боб. Меҳнатни муҳофазалаш бўлими.	49
VIII-боб. PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат ишлаб чиқариш учун соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш.	56
Хулоса.	62
Адабиётлар.	63

Кириш. Лоихаланаётган қурилманинг актуаллиги.

Электроника ва микроэлектроника тармоги кейинги йилларда жохон бозорида жуда катта ютуқларга эришди. Айниқса микроэлектроника ва квант электроникаси тез суратлар билан ривожланмоқда.

Хозирги пайитда жоҳонда суюуқ кристалли телевизор, компьютер экранлари, компьютерлаштирилган маиший электр хўжалик асбоблари, роботлар кенг ишлаб чиқарилмоқда. Суюқ кристалли телевизор, компьютер экранлари ва шунга ўхшаш асбоблар ўзларининг кам қувват сарифлаши, телевизор ва компьютер экранлари ташқи ёруғликнинг кучли даражасида ҳам сифатли кўриниши билан ажралиб туради.

Бундан ташқари автомобилсозлик соҳасида унинг роли беқиёсдир. Автомобиллар ишлаб чиқарувчи ривожланган хорижий мамлакатларда унинг қисмлари (сипидометр, тахометр, тезликни кўрсатувчи асбоблар, соатлар, ҳар хил бошқа датчиклар) электроникага асослангандир.

Хозирги кунга келиб сегментли индикаторлардан жуда кенг қўлланилмоқда. Ўз навбатида сегментли элементлар энерго тежамкор ҳисобланади. Сегментли индикаторларни бошқарувда, унга ахборот чиқарувда ҳам кам истеъмол талаб қилувчи элементлар – микросхемалар кенг қўлланилмоқда. Бу битирув малакавий ишида энерготежамкор етти сегментли дисплейни ишлаш принципини, улар учун код ўзгартиргичлари турлари ва уларнинг ишлаш жараёнлари, код ўзгартиргичларнинг тузилиш ва принципал схемалари, код ўзгартиргичида қўлланиладиган микросхемалар турлари кўриб чиқилган.

Такидлаш керакки, нафақат юртимизда балки бутун дунёда энергияни кам сарф қиладиган қурилмаларни ишлаб чиқаришга бўлган талаб жуда юқори. Шунинг учун ҳам электр энергиясини тежамли равишда сарф қиладиган ускуналар, механизмлар ишлаб чиқаришга аҳмият бериш керак.

Ушбу битирув малакавий ишида айнан шундай электр энергиясини тежамли равишда сарф қиладиган, электр тежамкорлиги юқори бўлган 6 позицияли динамик индикаторли электрон соатни лоихалаш талаб этилади.

I-Боб. Масаланинг моҳияти

1.1. Лоихаланаётган PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасининг функционал имкониятлари

Бу ерда лоихалаш ишини аниқлаштириш учун Лоихаланадиган қурилманинг функционал имкониятларини Лоихани бажариш учун берилган топшириққа асосан аниқлаб оламиз.

Шундай қилиб, берилган топшириққа асосан Лоихалашимиз лозим бўлган қурилма қуйидаги функционал имкониятларга эга бўлиши керак:

1. Соат қурилмасининг рақамлари ўлчамлари етарли даражада катта бўлиши керак;
2. Ушбу соат қурилмаси рақамли индикатори 6 та позицияли ва 7 сегментли бўлиб, энегия тежамкор светодиодларда лоихаланиши лозим;
3. Индикатори динамик режимда ишлайдиган бўлсин.
4. 6 та позицияда секундлар, минутлар, соатлар қийматини ифодаласин.
5. Ўчириш – ёқиш, жорий вақтга соатни созлаш имконияти бўлсин;

1.2 Лоихаланаётган соат қурилмасининг ишлаш шароитининг техник шартлари

Энди аниқлик учун лоихаланадиган қурилманинг техник параметрларини ихтиёрий равишда белгилаймиз. Айтайлик, биз лоихалашимиз лозим бўлган қурилма қуйидаги техник параметрларга эга бўлсин:

1. 220 В кучланишли тармоқдан таминланиш имконияти бўлсин.
2. Қурилма индикатори 24В ли кучланиш манбаъси билан, микроконтроллер эса 5в ли кучланиш манбаъси билан таъминлансин;
3. Қурилма замонавий электрон компонентларда янги технологиялар билан лоихаланиши лозим.
4. Ташқи об ҳаво шароитига чидамли бўлиши лозим.

II- Боб. Адабиёт тахлили

2.1. Лоихалашни бажариш учун мавжуд техник воситаларнинг тахлили

Анавий лоихаловчи мухандис авваллари монтаж столи, турли таъминот манбалари, кўплаб сигнал генераторлари, осциллограф, частотомер, характерограф каби ўлчов қурилмалари, кўплаб электрон компонентлар, ва нихоят паяльник ёрдамида макетлаш усулида қурилмаларни лоихалар эди. Ҳисоблаш техникасининг жадал суратлар билан ривожланиши, дастурлаш технологияларида эришилган ютуқлар, математик моделлаш усулларининг сўнгги ютуқлари: имитацион моделлаш, электрон компонентларнинг эмуляцион ва симуляцион моделлари яратилиши, виртуал моделлаш тизимининг лоихалаш амалиётига кириб келиши билан электрон қурилмалар лоихаловчисининг компьютерлаштириш асосида автоматлаштирилган иш ўринларининг яратилишига олиб келди. Юқори аниқликда ишловчи замонавий динамик индикаторлик соат қурилмаларини лоихалаш учун бугунги кунда компьютер энг асосий техник воситага айланди.


2.2. Микропроцессорлар тахлили.

Микропроцессор — бу функционал тугалланган, программа орқали бошқариладиган қурилмадир. Микропроцессор арифметик логик қурилмадан, бошқарувчи қурилмадан, ички регистрлар ва интерфейс воситаларидан (АЛҚ, БҚ, регистрларни бир —бири билан ва ташқи аппаратлар билан боғлайдиган шиналардан) тузилган.

Агарда микропроцессор маълумотларни ўлчагич системасининг битта звеноси сифатида бўлса, микропроцессор маълумотларни тўлиқ қайта ишлаши мумкин ёки бир қисмини қайта ишлаб, тўлиқ ҳисоблаш масаласини маълумотларни ўлчагич системасига қолдиради.

Микропроцессор ўлчанаётган катталикларни математик қайта ишлашдан ташқари асбобларнинг керакли элементларини улайдиган (узадиган), буйруқ, хабарларини қабул қиладиган, чиқишдаги

катталикларни узатадиган ва шунга ўхшаш бошқарувчи қурилмалар вазифасини ҳам бажаради.



2.1-расм. PIC16F873A арусумли микроконтроллернинг принципиаль схемада белгиланиши.

Микропроцессор электрон элементлари юқори интеграцияланган битта ёки бир қанча интеграл схемада тайёрланган қурилмадир.

Микропроцессор танланган қатор буйруқлар ёрдамида маълумотларни арифметик логик қайта ишлашни амалга оширади, хотира қурилмасига кириш — чиқиш ва бошқа ташқи қурилмаларга мурожаат қилади.

Микропроцессорда "Микро" сўзи процессорнинг схемасини юқори интеграцияланганлигини билдиради. Микропроцессор оддий процессорларга нисбатан нархининг пастлиги, энергияни кам истеъмол қилиши, юқори даражада мустаҳкамлиги билан фарқ қилади.

Микропроцессор қўллаш ўлчагич қурилмаларни "интеллектуал" қурилмаларга айлантиради. Бу қурилмалар ўлчанаётган маълумотларни керакли бўлган даражада математик қайта ишлов ўтказишга кодирдир, ҳамда уларни инсонга қулай бўлган кўринишда чиқариб берадилар.

Ўлчагич қурилмалар маълумотларни ўлчагич система билан боғланмаган кўринишда бажарадиган бўлса, микропроцессор маълумотларни тўлиқ (комплекс) қайта ишлашни таъминлайди.

Маълумотларни ўлчагич техникасида, телемеханикада, телебошқариш ва телеростлаш системаларида электрик ва ноэлектрик бўлган катталикларни ўлчаганда микропроцессор қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:

1. Ўлчаш чегараларини автоматик равишда белгилаш, аддитив ва мультипликатив хатоликларни тузатиш;

2. Ўзгарувчан ва ўзгармас тоқларни таққословчи қурилмаларда тенглаш жараёнини автоматик равишда бошқариш;

3. Қийматларни бирламчи қайта ишлаш, энг катта қийматдан ўзгаришини аниқлаш, чегара шартларига яқинлашиш вақтларини (нуқталарини) аниқлаш, максимум — минимум (энг катта ёки энг кичик) нисбатларини ҳисоблаш, доимий қийматларга кўпайтириш ва бўлиш;

4. Статик қийматларни қайта ишлашда аниқ вақт оралиғида текширилаётган катталикларнинг ўртача қийматини аниқлаш; вариацияларни, дисперцияларни, ўртача квадрат қиймат ва

бошқаларни ҳисоблаш;

5. Қилинаётган сарфларни ҳисоблаш, термoeлементларнинг нoчизикли тавсифини ҳисобга олган ҳoлда уларнинг ҳароратини ҳамда атрофмуҳит ҳароратини аниқлаш;

6. Қурилмаларнинг функционал тугунларини (узелларини) диагностика қилиш, ўлчаш ўтказишдан илгари мураккаб қурилмаларнинг асосий тугунларини ишчанли ишлашини, ёки ишламаётганини аниқлаб, уларни тест орқали қайд этувчи қурилмага чиқариб бериш;

7. Алоҳида вазифани бажараётган ўлчовчи ўзгартиргич тугунининг ишлашини бошқариш, жумладан, узлуксиз рақамли ўзгартиргич (УРЎ) ва бошқаларнинг ишлашини;

8. Берилган программа асосида ташки ва қўшимча блоklar билан биргаликда ўлчаш жараёнини буткул бошқариш;

9. Телемеханика қурилмаларида оддий ва ҳимояланган коддарни ташкил этишда, уларни текиришда, маълумотли ва ҳал қилувчи тесқари улашларни ташкил этишда;

10. Программа асосида ишлайдиган, соддалашган ТМ системасини куришда ва шунга ўхшаш ҳолларда.

Микропроцессорларни кенг тарқалган тури Intel корпорацияси томонида ишлаб чиқилган. Intel - INTegrated Electronics 1968 йил Роберт Нойс (Robert Noyce) ва Гордон Мур (Gordon Moore) томонидан ташкил этилган.

Шундан буён Intel дунёда микропроцессор ишлаб чиқарувчи йирик компанияга айланди.

Intel фирмаси микропроцессорлари 1970 йил ноябрида Intel корпорацияси дунёда биринчи Intelнинг уч муҳандиси томонидан лойҳаланган ва тижорат асносида қўллаш учун 4004 микропроцессорини ишлаб чиқарилишини маълум қилди. У атиги 2300 транзистрдан ташкил топган бўлиб сониясига тахминан 60000 амалларни бажарар эди. Бугунги кунда микропроцессорлар 5,5 миллиондан ортиқ транзисторда ташкил топган ва сониясига юз миллиондан ошиқ амалётни бажаради.

Микропроцессор 4004


4004 микропроцессори тўрт битли бўлиб, тўрт битли маълумотларни кайта ишлаб хотирага ёзиш ва уларни ўқиш учун мўлжалланган, яъни оддий ҳисоблаш машинаси калькуляторлар учун мўлжалланган. Чип 4004 дунёдаги биринчи компьютер ENIACдан ўлчами ва қуввати бўйича устун эди, чунки ENIAC 3000 квадрат фунт майдонга жойлашган бўлиб соңиясига 5000 амални бажарар эди.

Микропроцессор 8008

Ўз навбатида Intel 1972 йилда навбатдаги микропроцессорини ишлаб чиқарди. Микропроцессорнинг қувват 4004 га қараганда икки баробарга ўсди.

Микропроцессор 8080

Аммо асоси омадни 1974 йилда ишлаб чиқарилган бизнинг мамлакатда аналоги КР580ИК80 бўлган микропроцессор 8080 келтирди. Микропроцессор 8080 ташқи хотирага уланиш имконини берди ва ўз навбатида керакли ҳар қандай программани қуллаш имкони туғулди. Микропроцессор 8080 дунёда биринчи персонол компьютери «Альтаир»нинг «мияси» ҳисобланар эди.




2.2- расм. Микропроцессор структура схемаси.

Микропроцессор 8080

Аммо асоси омадни 1974 йилда ишлаб чиқарилган бизнинг мамлакатда аналоги КР580ИК80 бўлган микропроцессор 8080 келтирди. Микропроцессор 8080 ташқи хотирага уланиш имконини берди ва ўз навбатида керакли хар қандай программани қуллаш имкони туғулди. Микропроцессор 8080 дунёда биринчи персонол компьютери «Альтаир»нинг «мяси» ҳисобланар эди.

Микропроцессор 8086-8088

1978 йида Intel биринчи бор 16 битли микропроцессор 8086 ни ишлаб чиқарди, микропроцессор 8086 бутун бир бошли 80x86 ёки x86 номли оиланинг отаси ҳисобланади.



2.3- расм. 8088 микропроцессори структура схемаси.

Микропроцессор Intel 386

1985 йилга келиб Intel 386 микропроцессори ишлаб чиқарилди, унинг таркибида 275000 та транзистор жойлаштирилган ва 4004 га нисбатан тезлиги 100 баробарга ошган. Бу 32-разрядли «кўптармоқли» процессор бўлиб бирваракайига бирнеча программаларни бажариши мумкин.

Марказий процессор Intel 486

1989 йилда Intel 80x86 оиласига мансуб, ичида миллиондан ошқин транзистор жойлашган Intel 486 микропроцессорини кенг оммага тақдим қилди.

2.3. Қўйилган масаланинг ечими учун зарур бўлган дастурий воситалар тахлили

“PROTEUS” виртуал симуляцион моделлаш тизими тахили.

Labcenter Electronics компаниясининг [1] Proteus VSM – виртуал моделлаш тизими электрон қурилмаларни симуляцияловчи SPICE русумли тизими билан комбинацияланган бўлиб, анимацион компонентлар ва микроконтроллерлар асосида лоиҳалар яратиш имкониятига эга бўлган компьютер дастуридир. Бошқача айтганимизда Proteus VSM дастурий комплекси электрон (электр) қурилмалар лоиҳаловчисининг автоматлаштирилган иш ўрнидир. Бу тизимда замонавий микроконтроллерлар: PIC, 8051, AVR, HC11, ARM7/LPC2000 ва бошқа кўп тарқалган процессорлар моделлари мавжуд. Бу дастур библиотекасида 6000 дан ортиқ аналог ва рақамли қурилмалар моделлари мавжуд ва бу библиотека яратувчилар ҳамда фойдаланувчилар томонидан янги моделлар билан тўлдириб борилмоқда. Бу тизим кўплаб компиляторлар ва ассемблерлар билан ишлайди. PROTEUS VSM ёрдамида етарли даражада мураккаб бўлган, бир вақтда турли типдаги бир неча микроконтроллерли қурилмани моделлаштириш ва шу модел ёрдамида қурилмани созлаш, камчиликларини тузатиш мумкин!


Proteus VSM дастурий комплекси иккита асосий модулдан иборат: ISIS ва ARES. ISIS – принципиаль схемаларнинг график редактори яратилаётган лоиҳани киритиш ва ишини иммитация қилишга ҳамда шу принципиаль схема асосида монтаж платасини тайёрлаш учун ARES дастурига малумот узатишга мўлжалланган.

ISIS дастури библиотекасидан қизил ёритувчи светодиод моделини танладим ва дастурнинг имкониятларидан келиб чиқиб, 7 сегментли индикатор принципиал схемасини чиздим.

ARES – печать платаларининг график редактори. Бу дастур компонентларни автоматик жойлаштирувчи ва автоматик туташтирувчи ҳамда электр занжирларини текширувчи ELECTRA модулларга эга. Яъни, лоиҳаланаётган қурилманинг принципиаль схемаси ISIS дастурида тайёр бўлгач, ARES дастури ёрдамида компонентларни автоматик жойлаштириб ва автотматик туташтириб, печать платасини тайёрлаш ва ниҳоят тайёр бўлган қурилмани уч ўлчовли хажмий тасвирини турли кузатиш нуқталаридан кўриш мумкин.

Бу технология ҳали физик манода қурилмаган қурилмани тўлиқ текшириш, барча иш режимларида ишлатиб кўриш имконини берувчи тенги йўқ технологиядир.

Бугунги кунда жуда кўплаб автоматлаштирилган лоиҳалаш тизимлари учун дастурий воситалар амалда қўлланилмоқда. MAPLAB, MatCAD, MultiSim, OrCAD, PCAD ва AutoCAD, WorcBench кабилар. Бу дастурлар электрон қурилмаларни лоиҳалаш этапларининг бир қисминигина яъни, қурилманинг принципиал схемасини тайёрлаш ёки геометрик моделлаш қисминигина ўз ичига оладилар. PROTEUS VSM дастурий мажмуаси эса, юқорида эслатиб ўтилган барча дастурлар вазифасини ҳамда уларга қўшимча микропроцессор ва микроконтроллерларни дастурлаш технологиясини ҳам ўз ичига олади.



2.4-расм. Proteus VSM дастурий комплексининг ISIS дастури ёрдамида бажарилган операцион кучайтиргичнинг таҳлили тасвирланган.

ARES дастури ISIS дастурида тайёрланган принципиал схема асосида монтаж платасини тайёрлаш учун мўлжалланган.

ARES – печать платаларининг график редактори. Бу дастур компонентларни автоматик жойлаштирувчи ва автоматик туташтирувчи ҳамда электр занжирларини текширувчи ELECTRA модулларга эга. Яъни, лоиҳаланаётган қурилманинг принципиаль схемаси ISIS дастурида тайёр бўлгач, ARES дастури ёрдамида компонентларни автоматик жойлаштириб ва автотматик туташтириб, печать платасини тайёрлаш ва ниҳоят тайёр бўлган қурилмани уч ўлчовли хажмий тасвирини турли кузатиш нукталаридан кўриш мумкин.

Бу технология ҳали физик манода қурилмаган қурилмани тўлиқ текшириш, барча иш режимларида ишлатиб кўриш имконини берувчи тенги йўқ технологиядир.

Microchip компаниясида яратилган барча инструменталь воситалар, MPLAB IDE номли лоиҳалашнинг интегралланган мухити бошқарувида ишлайдилар.

Объект кодни генерацияловчи инструменталь воситалар таркиби:

- MPASM;
- MPLAB-C;
- MP-DriveWay™.

Бу программалар таркибига ҳар бир микроконтроллер учун қўшимча файллар киради.

Аммо, юқорида қўйилган талаб асосида лоиҳани PROTEUS русумли автоматлаштирилган Лоиҳалаш тизимида бажаришимиз керак.


PROTEUS русумли автоматлаштирилган Лоиҳалаш тизими аналог ва рақамли, ҳамда гибрид электрон қурилмаларни схемотехник лоиҳалаш, лоиҳаланаётган қурилма ишини симуляцион ва эмуляцион режимларда турли виртуал асбоб ускуналар ёрдамида анализ ва синтез қилиш, дастурланувчи қурилмаларни эса интерактив режимда дастурлаш имконини беради. Бу тизим иккита асосий дастурлардан: ISIS, ARES дастурлардан иборат бўлиб, улардан

биринчиси ISIS дастури схематик лоиҳалаш, яъни лоиҳаланаётган қурилманинг принципиал электрик схемасини чизиш, ва анашу схема асосида автоматик равшда қурилган симуляцион ва эмуляцион моделлаш жараёнида турли виртуал анализаторлар ва виртуал ўлчов қурилмалари ёрдамида лоиҳаланаётган қурилма иш режимларини тўлиқ таҳлил қилш имкониятини беради. Демак Proteus VSM комплекси ёрдамида биз электроника ҳамда электротехникага доир барча лаборатория ишларимизни шахсий компютеримизда мустакил равишда мукамал бажаришимиз дастурланувчи техник воситалар-микропроцессор ва микроконтроллерлар учун дастурий таъминот яратишимиз мумкин.

2.6 - расмда ISIS дастури ёрдамида аналог рақамли ўзгартиргичнинг график ва рақамли таҳлил қилиш жараёни ифодаланган. ISIS дастури таркибида қуйидаги виртуал инструментлар мавжуд:

- COUNTERTIMER – Импульслар ҳисоблагичи
- SIGNAL GENERATOR- Сигнал генератори
- DC VOLTMETR- Ўзгармас ток “Волтметр” и
- DC AMPERMETR- Ўзгармас ток “Амперметр”и
- AC VOLTMETR- Ўзгарувчан ток “Волтметр”и

Қуйидаги расмда виртуал осциллограф ойнасида импульслар тасвирланган.



2.5-Расм. Виртуал осциллограф ойнаси.

III- Боб. Қурилманинг блок схемасини лоиҳалаш

3.1. PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасини блок схемасини лоиҳалаш


Лоиҳалаётган қурилмамиз асосан тўртта блокдан иборат. Булар: бошқариш блоги (ўчириб ёқиш, созлаш кнопкалари), микроконтроллер, индикатор ҳамда электр энергияси билан тامينловчи тامينот манбайидан иборат.

Маълумки, қурилманинг блок схемаси стандарт геометрик фигуралардан иборатлиги туфайли қурилманинг блок схемасини Офис дастуридан фойдаланиб, тайёрлаймиз. Бу схема асосан тўртбурчаклар ва уларни боғловчи стрелкалардан иборат. Ҳар бир тўртбурчак лоиҳаланаётган қурилманинг битта блогини ифодалайди. Шунинг учун бу схемани блок схема деб аталади. Бу схемада тўртбурчакларни (блокларни) туташтирувчи стрелкалар ёрдамида сигналлар ва ахборот йўналиши ифодаланади.

Топшириққа асосан лоиҳаланаётган қурилма PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соатни юқори бандида, кўрсатиб ўтилган функционал имкониятларга эга бўлиши учун қуйидаги блоклардан иборат бўлиши керак:

- Қурилманинг ишини бошқариш учун оператив бошқариш қурилмаси;
- Вақт бирликларини ўлчаш ва жорий вақтни индикаторга узатиш учун микроконтроллер;
- 6 та позицияли динамик индикатор;
- Қурилмани энергия билан тامينлаш учун таъминот манбайи.

Демак, динамик индикаторли электрон соатининг блок схемаси 4 та блокдан иборат бўлади. Бу блокларни мантиқий вазифасига кўра стрелкалар билан туташтириб, қурилманинг блок схемасини лоиҳалашни якунлаймиз. 12-расмда светодиодли, 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасини, шундай қилиб тайёрланган блок схемаси келтирилган.



3.1-расм. 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасининг блок схемаси

PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соатнинг блок схемасида биринчи кўрсатилган блок – “Бошқариш блоги” ўчириб ёқиш, созлаш кнопкаларидан иборат бўлиб, қурилмани оператив бошқариш учун хизмат қилади. Бу қурилма асосан иккита кнопкадан иборат бўлиб, соатни ростлаш, юргизиш юбориш, тўхтатиш ва хотирадаги ўлчанган ахборотни танлаб индикацияга чиқариб беришга хизмат қилади. Бу кнопкалар ёрдамида микроконтроллернинг бирор бир портининг киришларига керакли кучланишни улаш ва узиш мумкин. Микроконтроллердаги дастур бу кнопкалар ҳолатига қараб, турли функцияларни ишга тушириб беради.

Микроконтроллер PIC16F873A. Блок схемадаги микроконтроллер блоги лоиҳанинг марказий, энг асосий блоги бўлиб, у ва унга юкланган дастур лоиҳаланиши лозим бўлган статик режимда ишловчи светодиодли индикаторнинг барча функционал имкониятларини амалга оширишга мўлжалланган. Лоиҳаланиши лозим бўлган соатни ишлаш принципи санаш лозим бўлган вақт оралиғини юқори частотали тўғри тўртбурчак шаклидаги импульслар билан тўлдириб, анашу импульслар сонини хиссоблаш орқали вақт бирликларини аниқлашга асосланади.

Индикатор. Блок схемадаги индикатор блогининг вазифаси микроконтроллер томонидан аниқланган маълумотларни ёрқин ифодалаб, кўрсатиб беришдан иборат. Индикаторнинг динамик индикация режими лоиҳаланаётган хронометр қурилмасининг принципиал схемасини соддалаштириш ва ишлатиладиган электрон элементлар сонини камайтиш, ҳамда ахборот индикацияси учун сарфланадиган электр энергиясини (6 позицияли индикаторда 4 марта) камайтириш учун хизмат қилади.


Бундай ечим ҳозирги куннинг долзарб масаласи: лоиҳаланаётган соат қурилмасининг энерготежамкорлигини оширишни таъминлайди.

Таъминот манбаси. Блок схемадаги таъминот манбаси блогининг вазифаси лоиҳаланаётган соат қурилмасининг барча қисмларини керакли кучланиш ва электр қуввати билан таъминлашдан иборат.

IV- боб. PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасини принципиаль схемасини лоиҳалаш

4.1. Бошқарув блогининг принципиаль схемасини лоиҳалаш.


Қурилманинг принципиал схемасини юқоридаги талаблар ва қароримизга асосан VSM PROTEUS дастурий мажмуасининг ISIS дастури ёрдамида бажарамиз. Юқорида расмда келтирилган қурилманинг блок схемасидаги Бошқариш қурилмасини принципиал схемасин лоиҳалашда кнопкаларда содир бўладиган механик титрашларни олдини олувчи схема билан улаш масадга мувофиқ. Лоиҳаланаётган соат учун 4 та кнопка керак ва уларни механик титрашларни олдини олувчи схема билан улаш учун тўртта триггер зарур. Қуйидаги расмда КМОС технологиясида яратилган LS4013 русумли триггерлар жуфтлиги тасвирланган.



4.1-расм. LS4013 русумли микросхеманинг схематик белгиси. У иккита мустақил алоҳида триггерлардан иборат.

Энди тўртта кнопкадан бирини босилгани хақида сигнал ҳосил қилиш учун барча тўртта триггер чиқишларини “4та ва-эмас” схемаси киришларига улаймиз. Бу схеманинг чиқишини эса микроконтроллернинг RB0 киришига улаймиз. Маълумки микроконтроллернинг бу киришида мусбат сигнал ҳосил

бўлган моментда микроконтроллер учун узилиш сигнали ҳосил бўлади. Бу сигнал пайдо бўлгач, микроконтроллер узилиш режимига ўтади, яъни, 4 чийкадаги команда бажарилади. Одатда бу команда узилишлар дастурининг биринчи командаси бўлади. Шундай қилиб, бошқариш блогининг функционал имкониятларини анашу дастур белгилаб беради. Демак бу блок ишини лоиҳалаш шу блок дастурий таминотини яратиш билан яқунланади. Қуйидаги расмда лоиҳаланган бошқариш блогининг принципиал схемаси келтирилган.



4.2-расм. бошқариш блогининг принципиал схемаси.


4.2. Микроконтроллер блогининг принципиаль схемаси.

Марказий бошқариш қурилмаси сифатида ишлатилган PIC16F873A русумли микроконтроллернинг принципиал схемаси юқоридаги 4.2-расмда келтирилган. Бу расмда PIC16F873A нинг ҳар учала порти: А, В, С портларининг PIN(оёқ)лари ва ана шу PIN лар орқали турли режимларда ишлатиладиган сигналлар аниқ кўриниб турибди. 1–PIN га уланган таъминот манбаси MCLR сигнаolini симуляция қилади. Блок схемадаги микроконтроллер блоги лоиҳанинг марказий, энг асосий блоги бўлиб, у ва унга юкланган дастур лоиҳаланиши лозим бўлган динамик режимда ишловчи светодиодли индикаторнинг барча функционал имкониятларини амалга оширишга мўлжалланган. Лоиҳаланиши лозим бўлган соатни ишлаш принципи санаш лозим бўлган вақт оралиғини юқори частотали тўғри тўртбурчак шаклидаги импульслар билан тўлдириб, ана шу импульслар сонини ҳисоблаш орқали вақт бирликларини аниқлашга асосланади.

Микроконтроллернинг RB1 - RB7 PIN ларига динамик индикаторнинг А,В,С,Д,Е,Ғ сегментларининг электрон калитларининг киришлари мос равишда уланганлар. RC0 – RC5 PIN ларига эса динамик индикаторнинг 1,2,3,4,5,6 позицияларининг электрон калитлари киришлари уланган.

Расмда ISIS дастури ёрдамида тайёрланган светодиодли етти сегментли индикаторнинг битта сегментидаги светодиодларнинг уланишининг принципиаль схемаси келтирилган. Бу ерда сегмент ва позиция киришлари сифатида мантиқий сигнал генератори уланган. Лоиҳада талаб қилинган 6 позицияли динамик индикатор учун ахборотни микроконтроллер ҳар бир позицияга алоҳида узатади. Бунда аввал В регистрга биринчи позицияга чиқарилиши лозим бўлган ахборот узатилади, ва С портига эса шу ахборот чиқиши лозим бўлган позиция номери узатилади. Сўнгра, микроконтроллер бир неча миллисекундга портлардаги ахборотини ўзгартирмай туради. Шундан сўнг кейинги позиция ахборотлари шу тартибда узатилади.

Танланган микроконтроллер қурилмасининг структура схемаси қуйидаги 4.3-расмда келтирилган.




4.3-расм. PIC18C45 ўрта оила микроконтроллерларнинг умумий структура схемаси.

4.3 Индикатор блогининг принципаль схемаси.

Етти сегментли индикаторни лоиҳалаш.


Индикатор блогининг принципаль схемасини лойиҳалаш учун динамик режимда ишловчи 6 позицияли 7 сегментли светодиодли индикатор блогини танлаймиз. ISIS дастуридаги компонентлар библиотекасида бундай индикаторларнинг турли маркадагиси ва турли ранлиги мавжуд. Улар ичидан 7SEG-MPX6-CC русумли умумий катодли VSM DLL MODEL ни танлаймиз. Динамик режимда ишловчи 6 позицияли 7 сегментли светодиодли индикатор модулининг 8 та сегменти кириши анод, 6та позиция кириши эса катод ҳисобланади.

Етти сегментли индикаторга ахборот чиқариш учун унинг сегмент кодларини билиш лозим. Умуман олганда бу кодлар стандарт асосида бўлади. Аммо танланган етти сегментли индикаторнинг типига қараб, позитив ёки негатив код бўлиши мумкин. Лоиҳаланаётган қурилма учун Протеус русумли автоматлаштирилган Лоиҳалаш тизимида 7SEG-MPX6-CC русумли индикаторнинг симуляцион моделидан фойдаланамиз. Шунинг учун бу индикаторнинг кодларини аниқловчи кичик симуляцион қурима қиламиз. 4.5-расмда шу қурилманинг ISIS дастуридаги принципал схемаси келтирилган. Ҳар бир сегментга мантиқий кнопкалар уланган. Сегментлар номлари эса 4.5-расмда келтирилган. Ушбу қурилма ёрдамида визуал равишда бизга керак бўлган символларнинг тасвирини индикаторда ҳосил қиламиз ва шу символга тегишли кодни №1 табица ёдамида аниқлаб, 7 сегментли индикатор коди таблицасига кўчириб ёзамиз. 4.4 - расмда сегмент светодиодларининг геометрик жойлашуви ҳамда индикатор модулининг принципал схемадаги белгиланиши кўрсатилган. Бу индикаторнинг кириш кодларини тажриба йўли билан аниқлаш учун LogicState русумли виртуал кнопкалардан фойдаланамиз. Индикатор 7 та сегмент, 6 та позиция киришларига эга. Киришларнинг ҳар бирига LogicState русумли виртуал кнопкаларни улаймиз.



4.4-расм. Расмда ISIS дастури ёрдамида тайёрланган светодиодли етти сегментли индикаторнинг битта сегментидаги светодиодларнинг уланишининг принципаль схемаси келтирилган.

Демак № 2 таблицада биз танлаган 7SEG-MPX6-CC русумли индикаторнинг 7 сегментли кодлар келтирилган. Қурилма учун зарур бўлган индикаторни шу кодлар асосида ишлашини таъминлайдиган принципиал схемани лоиҳалаймиз. Лоиҳаланаётган 6 позицияли



4.5-расм. 7 сегментли “Индикатор”нинг приципиль схемаси .

Таблица №2

Ўнлик символ	Ўн олтилик коди	Иккилик код
0	0	0000
1	1	0001
2	2	0010
3	3	0011
4	4	0100
5	5	0101
6	6	0110
7	7	0111
8	8	1000
9	9	1001
10	A	1010
11	B	1011
12	C	1100
13	D	1101
14	E	1110
15	F	1111
16	10	0001 0000


Таблица №3

Ўнлик символ	Иккилик коди	7 сегментли индикатор коди (СС-умумий кадогли)
0	0000	7E
1	0001	30
2	0010	6D
3	0011	79
4	0100	33

5	0101	5B
6	0110	5F
7	0111	70
8	1000	7F
9	1001	7B

Лоихага қўйилган талаб асосида 7 сегментли “Индикатор” қурилмасини светодиодларда Лоихалаймиз. Рақмлар ўлчами етарли даражада катта бўлиши учун ҳар бир сегментга 6 та светодиодни кетма кет улаймиз ва улаган светодиодларни паралел улаймиз. Бунинг учун ISIS дастури библиотекасидан қизил ёритувчи светодиод моделини танлаймиз ва дастурнинг имкониятларидан келиб чиқиб, 7 сегментли индикатор шаклида принципиал схемани чизамиз. Бунинг учун аввал 1 та сегментнинг принципиал схемасини тайёрлаймиз. Маълумки, PIC16F873A нинг $R1=1k\Omega$, $R2=1k\Omega$, $R3=10\Omega$ бўлади. 24 Вольтли занжирни узиб улаш учун бизга битта p-n-p ва битта n-p-n ўтишли транзисторлар керак бўлади. Учинчи n-p-n ўтишли транзистор эса позицияни улаш учун керак бўлади. Қуйидаги 4.3. – расмда светодиодли индикаторнинг битта сегментининг принципиал схемаси кўрсатилган. Бу индикаторнинг ишлаши учун 24 вольт кучланиш берамиз. Шунда Q1, Q2 ва Q3 транзисторлари очилиб, светодиодлар ёритишни бошлайди. 4.3 – расмда эса индикаторнинг битта позициясининг принципиал схемаси келтирилган.

Шундан сўнг, қолган позициялар ахборотларини индикацияга чиқариш учун юқоридаги 1 пунктдан бошлаб амалларни такрорлаш керак. Демак, 6 марта шу жараён такрорланиши керак. Мана шундай индикация жараёни динамик индикация жараёнидир. Бу усулда ишлайдиган индикатор статик индикаторлардан позициялари сони марта кам энергия сарфлайди. Демак, электр энергия сарфини ҳисоблаганда 8 рақами индикацияга чиқарилганда сарфланадиган энергияни ҳисоблаш кифоя. Чунки бир пайтда фақат битта позицияда ахборот индикация қилинади.



4.6-расм. Лоихаланаётган PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соатининг битта позицияси учун светодиодларни уланиш схемаси.

Индикатор ишончли ишлаши учун унинг транзисторларини танлашда светодиодларнинг ишчи токини 80 mA (миллиампер) деб қабул қиламиз. Схемадан кўришиб турибдики, позицияни коммутация қилувчи транзистордан шу позициядаги барча сегментлар токи оқиб ўтади. У ҳолда 1 та позициянинг максимал токи 7 та сегмент токининг йиғиндисига тенг:

$$I_p = I_{s1} + I_{s2} + I_{s3} + I_{s4} + I_{s5} + I_{s6} + I_{s7} = 7 \cdot 80 = 560 \text{ mA.}$$

У холда позиция транзисторларини танлаш шарти:

$$I_k > I_p, \quad U_k > U_s: \quad I_k > 560 \text{ mA}, \quad U_k > 24$$

Сегментларни коммутация қилувчи транзисторларни уларнинг коллектор токи ва кучланиши бўйича индикаторнинг сегмент токи ва кучланишига нисбатан қуйидаги шартларга асосан танлаймиз:

$$I_k > I_s, \quad U_k > U_s; \text{ яъни } I_k > 80 \text{ mA}, \quad U_k > 12 \text{ V}$$

Шунга кўра А1015 транзисторни танлаймиз.

Схемадаги Q10-Q16 транзисторларининг яъни, сегмент транзисторлари базасини коммутация қилувчи транзисторларнинг коллектор токи сегмент транзисторлари база токидан катта бўлиши керак. Шунинг учун бу тарзисторларни танлаш шартини қуйидагича: $I_k > I_{bTs}$,

Маълумки, n-p-n, p-n-p транзисторларнинг ток бўйича кучайтириш коэффициенти $K = 10 \div 10000$ ораликда ётади. Қурилма ишончли ишлаши учун бу коэффициентни камида $K = 10$ деб ҳисоблаймиз. У холда сегмент транзисторларининг база токи :

$$I_b = I_k / K = 80/10 = 8 \text{ mA}.$$


У холда Q10-Q16 транзисторларининг ва бошқа сегмент транзисторлари базасини коммутация қилувчи транзисторларнинг танлаш шарти:

$$I_k > 8 \text{ mA}.$$

Бу шартларга кўра С1815 русумли транзисторни танлаймиз.

Қуйидаги расмда динамик индикатор учун беридаётган ахборот ва позиция сигналининг осциллограммаси келтирилган. Бу ерда сариқ ранг билан позиция сигнали, кўк ранг билан эса А сегменти сигнали тасвирланган.


А сегмент сигнали микроконтролленинг В портининг RB1 разрядидан, С портининг RC1 разрядига уланган U3 инвертор чиқишидан олинган.



4.6-расм. Виртуал Осцилографнинг иш ойнаси тасвирланган. Бу осцилограф 4 каналли бўлиб бир пайтнинг ўзида 4 та сигнални тадқиқ этиш мумкин. А канал сариқ, Б канал кўк, С канал қизил, Д канал яшил рангларда ифодаланади.

4.4. Таъминот манбайи блогининг принципиаль схемаси

Лоиҳаланаётган PIC16F873A контроллерида 6 позицияли динамик индикаторли электрон соат қурилмасининг таъминот манбайи 2 даражали, яъни, 24 В ва 5 В кучланиш бера олиши учун 2 та кучланиш стабилизатори 7805 ва 7812 микросхемаларини танлаган эдик. Энди улар иштирокидаги таъминот манбайининг принципиал схемасини лоиҳалайлик. Бунинг учун ISIS дастури библиотекасида шу микросхемалар моделларини ҳамда электролитик конденсатор моделларини танлаймиз. Стабилизаторлар киришига ва чиқишига силлиқловчи сифатида электролитик конденсаторларни улаймиз. 5 Вольтли чиқишга юқори часоталарни филтрлаш учун 1 мкФ ли C4 конденсаторни улаймиз. 4.7 – расмда Лоиҳаланган стабиллаш блогининг принципиаль схемаси келтирилган.



4.7-расм. Таъминот манбайининг стабиллаш блогининг принципиал схемаси.

4.5.Тўғрилаш (зарядлаш) блогининг приципиаль схемаси.

Тўғрилаш (зарядлаш) блогининг приципиаль схемаси учун ток манбайи ва икки ярим даврли кўприксимон тўғрилагич схемасини кўллаймиз. Бунинг учун ISIS дастури библиотекасидан резистор, кўприк схемасида уланган диодлар блоги (Bridge) ҳамда биполяр конденсатор моделларини танлаймиз. 4.8 – расмда таминокт манбайининг тўғрилаш (зарядлаш) блогининг лоихаланган приципиал схемаси келтирилган.Энди шу блок элементларини танлаймиз. 4.8-расмда кўрсатилган C5 конденсатори балласт қаршилиқ бўлиб уни танлаш шартлари қурилманинг максимал ва минимал истемол токи аниқ бўлганда қуйидагича бўлади:


$$X_c = U_{c_{\min}} / I_{n_{\max}}; X_c = U_{c_{\max}} / I_{n_{\min}};$$

Маълумки:

$$X_c = 1 / \omega C = 1 / (2\pi f C) = 1 / 314 C;$$

У холда C5 танлаш шартлари қуйидагича бўлади:

$$C = 1 / 314 X_c; U_{\text{ишчи}} > 310 \text{ V}.$$



4.8-расм. Таъминокт манбайининг (тўғрилаш-зарядлаш) блогининг приципиал схемаси.

BR1 кўприкни токи ва кучланиши бўйича қуйидаги шартга асосан танлаймиз:

$$U_{\text{ишчи}} > 310 \text{ V}; I_{\text{ишчи}} > 1 \text{ A};$$

Бу шартга мос 2W01G диодли кўприкни танлаймиз.

4.6 – расмдаги DIODE ни токи ва кучланиши бўйича қуйидагича танлаймиз:

$$U_{\text{ишчи}} > 40 \text{ V}; I_{\text{ишчи}} > 1 \text{ A};$$

B1 аккумуляторни сиғими ва кучланиши бўйича танлаймиз:

$$U_{\text{ишчи}} = 12 \text{ V}; \quad I \text{ amp.hr} > 4 \text{ amp.hr}.$$


V- Боб. Қурилмани конструктив лоиҳалаш

5.1. Қурилманинг монтаж платасини лоиҳалаш


Қурилманинг монтаж платасини лоиҳалаш учун Proteus дастурий мажмуасининг Ares дастуридан фойдаланамиз. Монтаж платасини лоиҳалашда MODE, POZ, UP, DOWN кнопкаларини, лоиҳаланган 7 сегментли 6 позицияли светодиодли индикаторни монтаж платасига улаш учун ҳамда тармоқни улаш учун коннекторлар танлаб оламиз.

Агар ISIS дастури библиотекасида биз танлаган электрон компонентларнинг корпуси яъни геометрик модели мавжуд бўлса ARES дастурига ISIS дастурида тайёрланган принципал схема бўйича электрон компонентларнинг уланиш рўйхати узатилади ва ARES дастури бу рўйхатдан фойдаланиб, автоматик ёки автоматлаштирилган режимда электрон компонентларни танланган ўлчамли платага жойлаштириб беради. Элементлар жойлашувини 3 ўлчамли анимацион тасвир орқали кўриш ва керак бўлса элементлар жойлашувига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бу жараёни кетма кет бажариб, монтаж платасида электрон компонентларнинг оптимал жойлашувига эришиш мумкин. Шундан сўнг, электрон компонентларни туташтирувчи электр ўтказгичларини лоиҳалашга киришилади. Бу жараён ҳам автоматик итерацион режимда бажарилиши ва қўлда чизиш режимида керакли ўзгартиришларни киритиш мумкин.


